


Ота-оналарга Қуръоний олти насиҳат



17:00 / 19.02.2022 2716

1. Болангизга насиҳат қилишдан чарчаманг...

Нуҳ алайҳиссалом ҳам ўғилларига 950 йил насиҳат қилди.

«Батаҳқиқ, Нуҳни ўз қавмига юбордик. Бас, у: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглр. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, мен сизларнинг буюк Куннинг азобига гирифтор бўлишингиздан кўрқаман», деди» (Аъроф сураси, 59-оят).

2. Фарзандларингизнинг баъзи хатолатини кўрмасликка олинг...

Яъқуб алайҳиссалом ўғиллари ёлғон гапириб турганини билса ҳам ҳеч нарса демади.

«Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар. У: «Йўқ! Ҳавои нафсингиз сизга бирор ишни чиройли кўрсатибди. Энди ишим - чиройли сабр. Сиз васф қилаётган нарсада ёрдам сўраладиган Зот ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи», деди» (Юсуф сураси, 18-оят).

3. Ўғлингиз йўқлигидан маҳзун бўлманг...

Нуҳ алайҳиссаломга ўғил синов бўлди. Шуъайб алайҳиссаломга қизлари раҳмат бўлди. Қизлари Мусо каби улул азм пайғамбарга аёл бўлиш

шарафига эришди.

«Осмонлару ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У Зот хоҳлаган нарсасини яратур. У Зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур» (*Шуро сураси, 49-оят*).

4. Тақво барча нарсанинг калити...

Иброҳим алайҳиссалом тақвосига муносиб тарзда Исмоил алайҳиссалом билан тақдирланди.

«Ўшанда улар унинг ҳузурига кириб: «Салом», дедилар. У: «Биз сизлардан кўрқмоқдамиз», деди. Улар: «Кўрқма, биз сенга билимдон ўғилнинг хушхабарини берамиз», дедилар» (*Ҳижр сураси, 52-53-оятлар*).

5. Она тарбиячидир...

Ҳазрати Марям ҳам Ийсо алайҳиссаломни бир ўзи тарбия қилди ва бу вазифани жуда гўзал тарзда амалга оширди.

«(Ийсо) деди: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени набий қилди. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди. Мени волидамга меҳрибон қилди, димоғдор, бадбахт қилмади» (*Марям сураси, 30 – 32-оятлар*).

6. Доимо дуо бўлинг...

«Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган нарса ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи эт» (*Фурқон сураси, 74-оят*).

Нозима Абдумалик қизи

«Ҳилол» журналининг 12(33) сонидан